

IN THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ABDURAHMAN JOMI SUFIS SCIENCE

Ismailov Akmal Ziyadillaevich

Senior Lecturer, Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent Region

Sadullaeva Dilnoza Erdoshevna

Student of Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region

Ўзбекистон ўз Конституциясига ва асосийси сиёсий-ҳуқуқий яхлит таълимотига асослангани ҳолда, демократик ҳуқуқий давлатчиликнинг дунёвий маърифий тамаддунчилигига эришмоқда. Албатта, бу йўлда буюк мутафаккирларимизнинг илмий меросига таянамиз. [1]

Мутафаккирлар илмий меросларини таҳлил қилар эканмиз тасаввуф ва унинг шаклланиш босқичларига қанчалик муносабат бўлганлигини макон ва замонга оид қалашлар асосида таҳлил қилинганлигини кўрамиз.

Мисол учун: Тасаввуфда сўфий(лар)нинг озодлиги деганда тасаввуф аҳли солиҳнинг башарий сифатлардан мутлақ қутулиши ва илоҳий факр сифати бўлмиш пок рух кўринишида истиғно олами – Тангри Таъоло оламининг заруратлари бепоёнлигини қалбан идрок этишини англаганлар. Сўфийяна “ақли етук, муҳаббат аҳлига дили боғланган” (Кошифий) бўлиши, нафасидан бедардлар қалби бедор бўлмоғи керак. Сўфийлар руҳоният билан суҳбат қурадиган, кайҳону фалак асроридан мужда келтирадиган, факрни ихтиёрий равишда бўйинга олиб, табиий ахлоқни тарк эта бориб, илоҳий ахлоқни касб этувчи, эзгулик йўлида жонини фидо қилувчидирлар, улар борлик ва йўқлик, замон ва макондан хориж, азалу абадни бирлаштирган мукаррам зотдирлар.

Чунончи, Мавлоно Жомийнинг “Баҳористон” асаридаги иккинчи равзасида “*Донолар ҳикмати ҳақида*” деб номлаб унга битилган ҳар бир ҳикоятнинг замирида инсонпарварлик ғоясини мужассамлаштирганлигини кўриш мумкин:

Фаридунки шавқат заминига насиҳат тухмин икди, фарзанди учун қоғозга қуйидаги сўзларни чекди: “Ҳаёт вараклари киши амалининг саҳифаларидир. Унга энг яхши ишларгина ёзиб қолдирилади”.

*Замон саҳифалари – инсон умрин дафтари,
Шундайин сўзни демиш ўйга толган бир доно:
Кимки бу пок китобда яхши амали билан
Яхши номин қолдирса, ўшанинг бахти аъло. [2]
Зар талаблар эшик каби ҳалқа тоқиб қулоққа,
Етиб келди, бу орада мен йўқдирман, шукурлар.
Боғу роғим бўлмаса ҳам, маъни ниҳолларим кўп,
Бу ниҳолнинг шоху барги қалам эрур ва дафтар.
Байту шеърлардан бўлак, менинг мулким, уйим йўқ,
Бошқа мулким қофия – бу бўлолмас мулку зар. [3]*

Ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг ушбу мисраларини шарҳлашимиз орқали қуйидаги маъноларни мужассамлашганлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин: **Замон саҳифалари** – яъни ўтаётган ҳар бир кунимиз, сониямиз – вақтимиз (тарих сифатида) замон саҳифаси сифатида муҳирланиб боради ва **инсон умрин дафтари**, яъни яшаган умримизни мазмуни акс итилган ҳаёт дафтари (китоби)миз тарзида шакилланиб боришлигига урғу берилмоқда. Бу дафтарни безаш учун **Шундайин сўзни демиш ўйга толган бир доно**: ҳаёлага толиб бутун – “Баҳористон” боғларининг ҳар бир равзаси (асардаги боғлар жаннатдаги равзаларга тенглаштирилмоқда)ни сайр этиш мақсадида **Кимки бу пок китобда яхши амали билан** ошно бўлса, яъни бу китобни ўқиб у китода акс

этилган боғлардаги ахлоқ билан хулқланса, унинг хушбўй муаттар гулу - райҳонлар орқали ўзини жаннатдаги равзаларда ҳис қилган бўлади ва **Яхши номин қолдирса, ўшанинг бахти аъло** эканлигига ишора берилиши эса, бу (“Баҳористон”) боғлардаги ахлоқий фазилатларга амал қилиб, шу ахлоқ орқали шуҳрат қозонса, яхши ахлоқ соҳиби деган маънода жамиятда ўз ўрнини топса, демакки, **ўшанинг бахти аъло**, деб энг улуг мақомга лойиқлигини эътироф этмоқда. Бу мақомни биз қўйдагича шарҳлашимиз мумкин:

Шариъат – Ислом қонун қондаси, бажарилиши шарт бўлган қонун ва қоидалар.

Тариқат – тўғри йўл бўлиб, бунда Шариъатни мукаммал билмасдан Тариқатга эришмайди.

Маърифат – мукаммаллашган илм, яъники, унча – мунчага ҳам ўзгармайдиган илм.

Ҳақиқат – энг буюк мартабага эришганлигига ишора

Охирдаги Ҳақиқат мақоми бу **бахти аъло** деб аталади. Зеро, Ҳақиқатга эришиш бу энг буюк – олий мақом сифатида баҳоланади. Бунданда олий бахт бошқа бўлмаслигини унутмаслик керак. Шундай экан, олий – **бахти аъло**га эриш учун ҳар бир инсон бу боғдаги ахлоқдан мосуво бўлмаслиги керак деб айтилмоқда.

Яна **Зар талаблар эшик каби ҳалқа тоқиб қулоққа**, деб жамиятдаги баъзи “ношуд” кимсалар – дунё матосига, зебу – зейнатларига бурканганлиги (баъзи эркакларнинг қулоқларига балдоғ тақишларини эса бирон сўз билан таърифлаб беролмаймиз)ни васф этиб, **Етиб келди, бу орада мен йўқдирман, шукурлар**, яъни бундай жараёнлар юз берганда ҳам парво қилмадим, улар (“ношуд” кимсалар – дунё матосига, зебу – зийнатларига бурканган)дан бўлмаганимга шукурлар қиламан. **Боғу роғим бўлмаса ҳам, маъни ниҳолларим кўп**, яъни улар (“ношуд” кимсалар – дунё матосига, зебу – зийнатларига бурканганлар) каби боғу роғим (бойлигим) бўлмасада ҳам, маънога бой (маънавий хазина) бўлган ниҳол (асар)ларим кўпдир. **Бу ниҳолнинг шоху барги қалам эрур ва дафтар**, деб маънога бой (маънавий хазина) бўлган ниҳол (асар)ларимнинг шохлари қалам билан безатилган ва дафтар (китоб) бўлиб шакилланган. Ҳамда **Байту шеърлардан бўлак, менинг мулким, уйим йўқ**, деб бунёд этган маънога бой бўлган ниҳол (асар)ларимнинг шохлари қалам билан безатилган ва дафтар (китоб)лардаги шеърлардан бўлак, менинг бойликларим – мулким (“ношуд” кимсалар – дунё матосига, зебу – зийнатларига бурканганлар) каби боғу роғиларим ҳам йўқ бўлса-да, **Бошқа мулким қофия – бу бўлолмас мулку зар**, яъни улар (“ношуд” кимсалар – дунё матосига, зебу – зейнатларига бурканганлар) каби боғу роғларидан устун турувчи мулким – бойлигам бу маънога бой (маънавий хазина) бўлган ниҳол (асар)ларимдаги қофия – байтларим бўлиб, гарчи бу мулк – бойлик ва зар – олтин бўлмаса ҳам, киммати бу унинг маърифатга илтувчи маънавий ниҳол (дафтар - китоб)лигидадир.

Ушбу маълумотлар фақат шоирларнинг хаяжонли таъриф-тавсифи ҳисобланмайди, албатта. Буни ўрта асрлар кишисининг тафаккур тарзи ва дунёқараши ифодаси деб билмоқ керак. Сўфий ва дарвешлар ҳақиқатан ҳам катта нуфуз ва обрўга эга эдилар.

Ушбу ахлоқий – маънавий ва тарбиявий – таълимий асарларда муҳим омилл сифатида “Комил инсон” ғоясини кенг тарғиб этилганлиги ва Инсон омили энг юксак поғонада турувчи – олий қадрият мақомида шарҳланганлигини кўришимиз мумкин.

Жомийнинг “Баҳористон” асаридаги Шайх Абу Саид ибни Абул Хайрдан:

–Суфийлик нимадан иборат? –деб сўраганларида у шундай жавоб берибди:

–Бошингда борини чиқориб ташла, қўлингда борини бериб юбор, сенга нима қилсалар чида.

Суфийликни истасанг ўзингдан бўлгил халос,
Чиқиб кетсин дилингдан бутун ҳаво-ю ҳавас.
Қўлингда ҳар не бўлса, бошқалар қўлига бер,
Юз балога бардош бер, барчага бир қулоқ ос. [4]

Ушбу мисраларда акс этган биргина “*Суфий*” мақомига берилган изоҳни шарҳласак, “*Суфий*” – сўзи “*суф*” сўзидан олинган дейилади маълумотларга ва унинг моҳияти, суф – жун (мато – чакмон, жанда) киеб юрувчилар, деган маъноларда қўлланилади. Суфийлик Тасаввуфнинг муҳим мартабаси бўлиб, унга кўра (тасаввуф назарда тутилган) инсоннинг руҳий борлиги муҳим аспект ҳисобланади. Ҳазрат Жомий асарларини таҳлил қилар эканмиз, суфийёна ижоди унинг ўз давридаги “Нақшбандия” сулукидаги суфийлардан бўлганлигини унутмаслигимиз лозим.

Мавлоно Жомий асарлари ва унинг илмий ижода ҳақида ёзар эканмиз, унинг юқоридаги Исломи илмларга бой байтлари ҳар бир мисраси ва унинг шогирди бўлмиш Навоий ижодида ҳам мужассамлигини кўришимиз мумкинки, уни биз қуйидаги жараёнда таҳлил қилишни лозим топдик:

Навоий, сеҳр эмас, гўё Каломуллоҳ асосидир,
Бу мўъжизларки, зоҳир бўлди килки нуктапошимда. [5]

Муршид – устози Жомий каби Қуръони Каримнинг тавсирини яратишга жазм қилган Навоий ўз асарларининг мислсиз жозиба сири қандайдир ғойиб аломатларидан узоқ эканини яхши билган, шунинг учун “*килки нуктапоши*” – қаламининг қудратидан ортиқ ажабланмайди ҳам. Фақат бундай руҳий қониқиш ҳисси, ҳақфахрия туйғуси муносиб ва мўътабар далил билан асосланиши керак. Сўз кадрили, шеърий санъат масъулиятини чуқур идрок этган Навоий “*мўъжизлар зоҳир бўлган*” қалам учун ёлғиз муқаддас китоб “Каломуллоҳ” асосли нисбат, ишончли қиёс – шаҳодат бўлиши мумкин деб ҳисоблайди...

Эътибор берган бўлсангиз, Навоийни “*устози Жомий каби Қуръони Карим тавсирни яратишга жазм қилган*” лиги ҳақида сўз бормоқда. Бундай маълумотларни ўқишингиз билан фақатгина Қуръони Каримни тавсир қилишлик анъана эканда, деб ҳаёлингиз чалғимаслиги лозим. Зеро, Қуръони Каримни тавсир (таржима - шарҳ) қилиш бу қандайдир дoston ёзиш эмас, балки, Илом динини мукамал билган ва фикҳ (Илом ҳуқуқшунослиги)дан тортиб, ақийда бобигача тўла бохабар инсонларгина бундай ишга азму – қарор қилишлари мумкин.

Мисрада “*устози Жомий каби*” ибораси қўлланилмоқда: бунда Жомийнинг Қуръон (Илом) илмини мукамал билганлиги ва уни тўла шарҳ қилишдек маърифатга эга эканлигидан далолатдир. Шунинг учун, Жомий шайх рутбасини олган. Бу эса унинг ўз давридаги маърифат аҳлининг пешволаридан эканлигидан далоллат бергай. Иборанинг давомидан эса: *Қуръони Карим тавсирни яратишга жазм қилган* деган ибора қўлланилмоқда. Бундан кўриниб турадики, бу икки донишманд бир даврда ижод қилган буюк мутафаккир ва “Чароғи илм” вакиллари бўлганлар.

Тасаввуф тарихига назар ташлар эканмиз, мутафаккирлар илмий мероси орқали Араб халифалигининг кириб келиши орқали тасаввуф ва суфийлик каби тушунчалар ва таълимотлар кенг тарқалганлигига гувоҳ бўламиз. Бу таълимотлар эса, янгича дунёқараш, янгича маданият сифатида баҳоланган. Зеро, тасаввуф поклик ва ботиний-латиф қалб илми сифатида эъзозланади.

Манбалар:

1. Ziyadillaevich, I.A., & Bobonazarovich, G.K. (2020). THE ORIGIN OF THE STATE AND THE IMPLEMENTATION OF LEGAL STATEHOOD IDEAS ON THE TERRITORY OF UZBEKISTAN. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research, 6(10), 520-524.
2. جاميالرحمنعبد : - غافور غولام – تاشكند ساني 1971 301- سحنة
3. 313 كمال خجندی ديوان 1962й. Т., – 1962й. СССР давлат бадий адабиёт нашриёти. Т., – 1962й. *موترجيم : (ترجمان) م. وصفی*
4. جاميالرحمنعبد : - غافور غولام – تاشكند ساني 1971 307- سحنة
5. Б.Акрам Фасоҳат мулкининг соҳибқирони Т., “O’zbekiston” 2016 й. 22-б.